

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 30 июнь, № 128 (5548) Шанба

# Азалий қадриятлар эъзози



Абдуғани ЖУМА олган сурат.

***Мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси ва ғамхўрлиги билан халқ амалий санъати, хусусан, миллий ҳунармандчиликка катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бу борада изчил фаолият юритаётган усталарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар натижасида ҳунармандчилигимиз тобора ривожланмоқда. Буни халқ усталари қўлида жило топган асарларнинг нуфузли кўргазмаларда тез-тез эътироф этиб келинаётгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.***

**2012 йил — Мустаҳкам оила йили**

...Ғиждувонлик Алишер Нарзуллаев хонадонида бўлган киши ўзини музейга ташриф буюргандек ҳис этади. Кулоллик устахонаси, дид билан ишланган амалий санъат буюмлари, ўзбекона ҳовли. Буларнинг бари ўз умрини Ғиждувон кулоллик мактаби анъаналарини қайта тиклашга бағишлаган Алишер аканинг отамерос ҳунарга бўлган меҳри, эътиқодидан даракдир. Бу меҳрнинг кучи шу қадар жозибадор эканки, кўҳна Бухоро шаҳрига ташриф буюрган чет эллик сайёҳларнинг кўпчилиги эринмай 50-55 чақирим йўл босиб, Ғиждувонга — Нарзуллаевлар хонадонига келишади. Улар устанинг ишини ҳайрат билан кузатишар экан, оилавий ҳунармандлар маҳоратига таҳсин айтишади.

(Давоми 4-бетда).

2 июль — Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби қабул қилинган кун

*Истиқлолга эришгач, мустақил ва суверен мамлакат сифатида ўз давлат рамзларимизни қабул қилдик.*

## Фахр-ифтихоримиз рамзи

Хусусан, бугун инсон ҳуқуқларини энг олий қадрият сифатида муҳофаза этадиган Конституциямизга, дунёнинг барча ҳудудларидаги элчихоналаримиз пештоқида юксак ҳилпираётган байроғимизга, давлат идоралари, олий ўқув юртлари ва бошқа иншоотларнинг олд томонига ўрнатилган, қонун ҳужжатлари асосида ташкилотларнинг муҳрлари ҳамда ҳужжат бланкаларига тасвири туширилган гербимизга, халқаро спорт арeналари узра юртдошларимиз ғалабаси шарафига баралла янграйдиган мадҳиямизга, шунингдек, ўзимизнинг миллий валютамизга эгамиз. Уларда халқимизнинг маънавий-маданий мероси, тарихи, урф-одат ва анъаналари, орзу-умидлари, эзгу мақсадлари мужассам. Давлат рамзлари ҳар биримиз учун тақдиримиз, бахтимиз кафолати, эркин ва обод Ватанимизнинг муқаддас тимсоли сифатида, айниқса, эъзозлидир.

Маълумки, бундан 20 йил муқаддам, аниқроғи, 1992 йилнинг 2 июлида “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

## Тараққиёт ва фаровонлик тимсоли

*Давлатлар мустақиллигини белгилаб берадиган рамзлардан бири, бу — миллий валютадир.*

1 июль — Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси — сўм муомалага киритилган кун

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1994 йил 16 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, ўша йилнинг 1 июлида муомалага чиқарилган Ўзбекистон миллий валютаси — сўм иқтисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлашда муҳим восита сифатида хизмат қилаётир.

Манбаларга қараганда, сўм ҳақидаги илк маълумотлар X-XI асрларга бориб тақалади. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида келтирилишича, “сўм” сўзи туркийча “соф” маъносини англатади. Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида у “пул солинган қопча” маъносида қўлланилган. Юртбошимиз ташаббуси билан миллий валютамиз “сўм” деб аталиши туфайли бу калом нафақат қайта тикланди, балки унинг қадр-қиммати янада ошди.

Ҳозирги кунда жаҳонда юзлаб пул бирликлари мавжуд. Мутахассисларнинг тушунтиришича, улардан қай бирининг харид қобилияти ошиши ёки пасайиши ўша давлатда олиб борилаётган пул-кредит сиёсатига боғлиқ.

(Давоми 2-бетда).

## Мамлакатимизда:

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

### Қорақалпоғистон Республикаси

*Амударё туманида тадбиркор Жалғас Боймуродов томонидан қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Манғит Инвест плюс” МЧЖ ташкил этилди.*

### Янги лойиҳа шарофати

20 минг АҚШ долларилик ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида 14 нафар йигит-қиз доимий иш жойига эга бўлди.

— Тумандаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежини битириб, тўғри шу ерга ишга келдим, — дейди Санжар Абдуллаев. — Айни пайтда бу ерда ойига 10-15 тонна қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариб, буюртмачиларга етказиб бераяпмиз.

Эътиборлиси, жорий йилнинг беш ойи мобайнида тумандаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 20 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Қашқадарё

*Қарши шаҳридаги “UzGersov” Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида импорт ўрнини босувчи косметик совун ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

### Ҳамкорлик маҳсули

Бунинг учун корхонага “Қишлоқ қурилиш банк” кредити ҳисобига умумий қиймати 3 миллиард 315 миллион сўмлик технологик линия ўрнатилди. Айни чоғда бу ерда 5 турдаги маҳсулот тайёрланаётир. Корхона жамоаси келажакда шампунь, тиш пастаси, атир-упа каби маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳам режалаштирмоқда. Бу эса ишчилар сонини 45 тадан 400 тага етказиш имконини беради.

Айтиш жоизки, вилоятда жорий йилда 30 та саноат корхонасини ишга тушириш кўзда тутилган бўлиб, бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Хоразм

*Янгиариқдаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан 89 нафари якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинди.*

### Ёш тадбиркорлар учун имконият

Тижорат банклари уларга энг кам иш ҳақининг 50 бароборидан 100 баробаригача бўлган миқдорда кам фоизли кредитлар ажратди.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг ўтган даврида вилоят бўйича 780 та ёш тадбиркор ана шундай имкониятдан фойдаланди, уларга тижорат банклари томонидан ажратилган маблағ миқдори эса 2 миллиард 567 миллион сўмни ташкил этди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Дил сўзи

*Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида ўтган давр мобайнида миллий матбуотимизни ривожлантириш йўлида эришилган натижаларга баҳо берилиб, келгусида бу борада амалга оширилиши лозим бўлган устувор жиҳатлар, айниқса, журналистлар олдида турган энг муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.*

## Холислик ва ҳаққонийлик – бош мезон

Жумладан, оммавий ахборот воситалари ходимлари доимо изланишда бўлиши, қўлга киритилган ютуқларга берилмасдан, маррани баланд қўйиб, ҳаёт воқелигини ҳаққоний ва холис акс эттириши лозимлиги, профессионал билим ҳамда савиясини, маҳорат ва тажрибасини ошириш учун ўз устида тинимсиз ишлаши, меҳнат қилиши, турли синовлардан муносиб ўтиши зарурлиги қайд этилди. Бунинг учун мардлик, фидойилик ва жасорат кераклиги, айниқса, эскича қараш аломатларидан воз кечиш учун журналист бошқаларга нисбатан олдинги сафда бўлиши, ўз ҳаётий принципларидан қайтмасдан, виждон амри билан яшаши лозимлиги таъкидланди. Бу фикрлар, албатта, ҳар биримизнинг келгуси фаолиятимизда асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

Айтиш жоиз, Ўзбекистонимизнинг тарихан қисқа вақт ичида сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий, ҳуқуқий, хавфсизликни таъминлаш соҳаларида эришган ютуқларини бугун жаҳон ҳамжамияти тан олмоқда, эътироф этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Тадбир

*Чустда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори асосида “Ўзбекистон — кўп миллатли аҳил оила” номли дўстлик фестивали ўтказилди.*

### Дўстлик фестивали

Унда вилоятда фаолият юритаётган миллий маданий марказлар ҳамда ҳудудда истиқомат қилаётган 100 дан зиёд миллат ва элат вакиллари иштирок этди.

— Тадбир доирасида “Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!” ғоясини ўз ичига олган кўргазмалар ташкил этилгани айни муддао бўлди, — дейди вилоят хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси Зулайҳо Отахонова. — Шу орқали иштирокчилар ўзбек, тожик, қирғиз, корейс ва бошқа миллату элатлар урф-одат ҳамда анъаналари билан яқиндан танишдилар.

Фестиваль давомида миллий маданий марказлар томонидан концерт дастурлари намойиш этилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Эътибор ва имтиёз

**ёшларимизни эзгу мақсадлар сари ундамоқда**

*Мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар нафақат миллий армиямизни сифат жиҳатидан юксак ва профессионал даражага кўтаришга, балки аскарларнинг кейинги ҳаёти учун ҳам янги имкониятлар яратиб беришга қаратилганлиги билан, айниқса, аҳамиятлидир.*

Ғамхўрлик

Хусусан, Президентимизнинг яқинда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада навбатдаги муҳим қадам бўлди. Унга кўра, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшларнинг олий ўқув юртларига кириб ўқишлари учун амалдаги имтиёзлар янада такомиллаштирилдики, бу уларнинг жамиятда муносиб ўрин топишларида мустаҳкам асос бўлиши, шубҳасиз.

(Давоми 2-бетда).

## «Жаҳон» ахборот агентлигининг хабари

Ўзбекистон Республикаси томонидан Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотининг фаолиятидаги ўз иштирокини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг ушбу масала бўйича тегишли нотаси ОДКБ Котибиятига жорий йилнинг 20 июнь куни йўлланган.

Мазкур нотада бундай қарор қабул қилинишини асослайдиган аниқ далил ва сабаблар баён этилган.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида**

## Вояга етмаганлар тарбияси – масъулиятли вазифа

***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.***

Комиссия раиси, Бош прокурор Р. Қодиров бошқарган мазкур йиғилишда никоҳланувчи ёшларнинг тиббий кўригини ташкил қилиш, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг эрта турмушга чиқишига йўл қўймаслик, ёш оилалар турмуши бузилишининг олдини олиш, никоҳи бекор бўлган ва боқувчисини йўқотган оилаларда тарбияланаётган болаларга таълим-тарбия бериш, уларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилган ишларни ўрганиш натижалари, бу борада Тошкент ва Навоий вилоятлари ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида амалга оширилган ишлар аҳволи муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).

## Фаолият кўлами кенгаймоқда

**Бир рақам шарҳи**

Кейинги йилларда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг миқдор ва сифат даражаси тубдан ўзгариб, уларнинг умумий сони

**1250** дан ошиб кетди.

***Бунда рақамли ва мобиль телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио каби замонавий ахборот тармоқларининг улуши тобора ортиб бораётгани, энг муҳими, уларнинг асосий қисмини нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил қилаётгани матбуотнинг самарадорлигини янги босқичга кўтариш, аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини тезкорлик билан таъминлаш имконини бермоқда.***

# Фахр-ифтихоримиз рамзи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур ҳужжатга биноан, гербимиз тасвири Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, ҳокимликлар, давлат қўмиталари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари бинолари, хорижий мамлакатлардаги дипломатия ваколатхоналари ҳамда консуллик муассасалари пештоқига ўрнатилган.

Қолаверса, унинг тасвири давлат идораларининг муҳр ва сарварақларида, расмий нашрларда, миллий пул, қимматли қоғозлар ва облигацияларда, почта маркаларида, фуқаролик паспортида ҳам акс эттирилган. Юртимиз давлат чегараларида барпо қилинган салобатли дарвозаларнинг энг юқорисида кўр тўкиб турган Давлат герби барчамизга чексиз фахр бағишлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербида халқимиз тарихи, орзу-истакларимиз, қадриятларимиз, турмуш тарзимиз, шу билан бирга, жаннатмонанд юртимизнинг гўзал табиати ўз ифодасини топган. Ундаги ҳар бир ранг, ҳар бир белгида муайян рамзий маъно бор.

Айтиш жоизки, қуёшнинг заррин нури остида товланаётган олтин водий серқуёш заминимиз, нурафшон ўлкамизни ифодалайди. Асрларга тенгдош пурвиқор тоғлар оралаб оқаётган серсув дарёлар эса элимиз кўзлаган сарбаланд марралардан, ризқ-рўзи бутун халқимизнинг фаровон турмушидан далолат беради. Гербнинг юқори қисмидан жой олган, олтин зарҳал билан ҳошияланган саккизбурчак ичидаги мовий осмонда нур таратаётган яримой ва юлдуз тасвири миллий анъана ҳамда қадриятларимизнинг боқийлигига, юксак маънавиятимиз, мустаҳкам ирода ва эътиқодимизга, шунинг баробарида, ойдин орзуларимиз ва пок ниятимизга ишорадир.

Чамбар ичида чаноқлари қийғос очилган ғўза шохлари ҳамда мўл-кўл буғдой бошоқлари тасвирланган. Азалдан маълумки, пахта ва ғалла фаровонлик, тўкин-сочинлик, ризқ-рўз ва барака рамзи ҳисобланади. Қолаверса, бу она-юртимизда қадимдан деҳқончилик маданиятининг тараққий топгани, мамлакатимизнинг бугунги иқтисодий салоҳиятини билдиради.

Гербимиз марказида бахт, эрксеварлик, ҳиммат ва олижаноблик тимсоли бўлган афсонавий Ҳумо қушининг қанотларини кенг ёзиб, кўкка парвоз қилишга шайланиб тургани ифодаланган. Давлатимиз гербининг пастки қисмида, байроғимизни ифодаловчи чамбар бандига барчамиз учун азиз ва муқаддас бўлган "Ўзбекистон" сўзи битилган.

Барча давлат рамзларимиз сингари герб ҳам халқимизнинг шаъну шавкати, ғурури, ор-номуси, тарихий хотираси ва орзу-умидларини ўзида мужассам этган. У энг олий саодатимиз — Истиқлолимиз тимсоли, ўзини шу юрт фарзанди деб билган, тақдирини, бахтини шу эркин ва обод Ватанда кўргувчи ҳар бир юртдошимиз учун чексиз фахру ифтихор манбаи, десак, асло муболаға бўлмайди.

Бинобарин, Ватан тимсоллари миллий ғуруримизни юксалтириш, она-диёримизга нисбатан муҳаббат ва садоқатимизни кучайтириш, порлоқ келажагимизга ишончимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан ҳам барчамизга қадрлидир.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ.**

# Эътибор ва имтиёз

## ёшларимизни эзгу мақсадлар сари ундамоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Масалан, ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган фуқароларга мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл бериш тизими мавжуд эди. Эндиликда ана шу имтиёз 27 фоиз қилиб белгиланди. Шу ўринда табиий савол туғилиши мумкин: хўш, абитуриент ушбу имкониятдан фойдалангандан кейин ҳам танловдан ўта олмаса-чи? Қарорда мазкур жиҳатга ҳам алоҳида эътибор қаратилгани диққатга сазовордир. Яъни имтиёз орқали синовдан муваффақиятли ўтолмаган абитуриентлар мамлакатимиздаги бошқа олий ўқув юртларига қабул қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат этишса, у тест синовлари тугагандан кейин 10 кун мобайнида Олий таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Бунда абитуриент танлаган бошқа олий ўқув юртларига қабул қилиш тасдиқланган умумий қабул квотаси доирасида, имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча баллни ҳисобга олган ҳолда, фанлар бўйича топширилган тест синовлари фанлар тўплами (блоки) ва абитуриент томонидан тўпланган балларга мувофиқ, таълим йўналишлари бўйича Давлат комиссиясининг қарорига биноан амалга оширилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз олий ўқув юртларида Қуролли Кучлар сафида мардлик ва жасорат мактабини ўтаган, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликда юксак натижаларга эришган минглаб ёшларимиз таълим олмоқда. Ҳадемай улар сафи янада кенгаяди.

— Мард йигитларимиз муддатли ҳарбий хизмат даврини ўз келажаги, мақсад-муддаолари сари элтувчи энг муҳим йўл, деб билмоқдалар, — дейди Тошкент давлат аграр университети қошидаги "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Одилжон Ғайбуллаев. — Масалан, бизнинг илм даргоҳимизда таҳсил олаётган талабаларнинг 300 нафардан ортиғи тегишли имтиёз асосида ўқишга қабул қилинган. Очиғи, армияда тобланган ёшлар тезда кўзга ташланади. Улар ўқиш ва машғулотлардан ташқари, жамоат ишларида ҳам анча фаол. Ҳозир тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган худди шундай фаол ва ташаббускор талабаларимизнинг 91 нафарига контракт тўловларининг бир қисми "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тўлаб берилмоқда.

— Ўтган йили жамоамиздаги йигитлардан бири хизматга кетаяпман, деб қолди, — ҳикоя қилади "Оҳангарон-Покизахон" хусусий корхонаси раҳбари Зарифа Баҳодирова. — Очиғи, ўз ўғлимни армияга кузатаётгандек ҳаяжонланиб кетдим. Нодиржон юрт олдидаги йигитлик бурчини ўтаб, ёруғ юз билан сафимизга — ўз иш ўрнига қайтди. Бўй-басти ҳам, ранги-рўйи ҳам, ҳатто гап-сўзлари ҳам ўзгарибди. Армияда ҳаёт мактабини ўтагани, жисмонан чиниққани яққол сезилиб турибди. Муҳими, муддатли хизматни ўтаган жойидан тавсиянома олибди. Корхонамиз миллий ҳунармандчиликка ихтисослаштирилгани учун олий ўқув юртида рассомлик ва дизайн йўналишида ўқимоқчи. Қаранг, ўзидан ортиб корхонамиз ҳақида, унинг истиқболи ҳақида ўйлабди! Унинг орзу-мақсадларини эшитиб, жамоамизда шундай асл йигитларнинг борлигидан қувониб кетдим.

— Ҳарбий хизматни ўтаб, резервга бўшатилган фуқароларнинг кейинги ҳаёти, хусусан, уларнинг ижтимоий муҳофазаси ва бандлигини таъминлаш алоҳида эътиборга олинган, — дейди Тошкент вилояти ҳокимлиги етакчи мутахассиси Шерзод Донабоев. — Собиқ аскарларнинг кўпчилиги аввалги иш жойида ва йўлланма асосида турли ташкилот ҳамда корхоналарда фаолият бошлаган бўлса, яна бир гуруҳи тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Айни пайтгача тегишли тавсияномага эга бўлганларнинг аксарияти ўзлари қизиққан йўналишлар бўйича олий ўқув юртига ҳужжат топшириш ҳаракатидалар.

Мухтасар айтганда, муддатли харбий хизмат ҳар бир йигит учун имкониятлар эшигини кенг очиб бермоқда. Ёшларимизда Ватан олдидаги бурчга бўлган ишонч ва ҳурмат туйғусининг юксалиб бориши эса, ўз ўрнида, мамлакатимиз тараққиёти, элимиз тинчлиги ҳамда фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан биридир.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Тараққиёт ва фаровонлик тимсоли

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу маънода, кейинги йилларда кузатилаётган молиявий-иқтисодий бўҳрон шароитида бу борадаги ислоҳотларнинг нечоғлик пишиқлиги яққолроқ намоён бўлди. Сабаби, глобал инқироз оқибатида айрим давлатларнинг валютаси қадрсизланиб қолгани ҳеч кимга сир эмас.

Мамлакатимизда давлат макроиқтисодий сиёсатининг таркибий ва ажралмас қисми бўлган пул-кредит сиёсати қатъий амалга оширилаётгани натижасида миллий валюта ва нархлар барқарорлиги, молиявий ҳамда иқтисодий ўсиш таъминланаяпти. Энг муҳими, инфляция даражаси белгиланган прогноз кўрсаткичидан ошмасдан, аксинча, унинг йиллик даражаси тобора пасайтирилаётгани қувонарли ҳол. Табиийки, бунда ишлаб чиқариш ҳажмининг муттасил ўсиб бораётгани муҳим омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат, 2000-2011 йиллар мобайнида республикамизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробарга ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан мустаҳкам жой эгаллади. Бу Халқаро валюта жамғармасининг кейинги баҳолаш миссияси баёнотида ҳам алоҳида эътироф этилиб, жумладан, шундай дейилади: "Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир.

Қатор йиллар давомида кузатилган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди".

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳаётга татбиқ қилинаётган ривожланишнинг "ўзбек модели" туфайли бошқа соҳалар қаторида, банк-молия тизимида ҳам етарли ресурс базаси ва ишончли захира яратилди. Бинобарин, сўнгги беш йилда мамлакатимиз банк сектори капиталининг етарлилик даражаси Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро меъёрдан 3 баробар кўп бўлган даражани ташкил қилаётгани бунинг исботидир. Энг муҳими, ички бозорда истеъмол моллари билан нақд пулнинг мутаносиблиги таъминланаяпти. Буларнинг барчаси миллий валютамизни мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқилган қатор дастурлар ижросининг самараси билан изоҳланади, албатта.

Сўмимизни қўлга олар эканмиз, унга туширилган Самарқанддаги Регистон майдони, Тиллакори, Шердор мадрасалари, Гўри Амир мақбараси сингари тарихий обидалар, Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри, "Истиқлол" санъат саройи, соҳибқирон бобомиз Амир Темурга ўрнатилган ҳайкал тасвирига боқиб, ич-ичимиздан фахрланамиз, маънавий қувват оламиз. Миллий валютамиз — сўм Халқаро валюта жамғармасининг Вашингтондаги бош қароргоҳида дунёдаги барча пуллар қаторида сақланиши эса барқарор ривожланишнинг эътирофи сифатида юртдошларимизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

**Саид РАҲМОНОВ.**

# Холислик ва ҳаққонийлик — бош мезон

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу даврда миллий матбуотимиз ҳам замон талаблари асосида тубдан янгиланиб, ривожланиб бораётгани қувонарлидир. Қолаверса, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган ўнга яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бу борадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида амалдаги бир қатор қонунлар такомиллаштирилмоқда, янги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, қабул қилишга тайёрланмоқда. Ана шундай кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг, хусусан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимидаги телерадиоканалларнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораяпти. Бу ахборот майдонида ўзаро рақобат муҳитининг, турли фикр ва қарашларнинг кучайишига, одамларимизнинг дунёқараши ва маънавий оламини янада бойитишга хизмат қилмоқда.

Агар холис туриб айтадиган бўлсак, биз, журналистлар яратиб берилаётган улкан имкониятлардан ҳали тўлалигича фойдалана олганимиз йўқ. Жумладан, таҳлилий материалларнинг камлиги, воқеликка бир хил ёндашиш каби камчиликлар мавжуд. Булар, албатта, бугунги тараққиёт даври талабларига тўғри келмайди. Шундан тўғри хулоса чиқаришимиз зарур.

Президентимиз табригида: "...журналистларни мен ҳамиша қўллаб-қувватлашга, керак пайтда ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканимни, уларни ўзимнинг энг яқин ҳамфикр ва маслакдошларим, деб билишимни изҳор этмоқчиман", дея таъкидлангани биз, оммавий ахборот воситалари ходимларига чексиз ғурур ва ифтихор бағишлади. Мана шундай юксак ишончга муносиб бўлишга, жамият олдидаги масъулиятимизни чуқур ҳис этган ҳолда, фаолиятимизда доимо янгиликка интилиб яшашга ҳаракат қиламиз.

**Жамолиддин ҚАЛАНДАРОВ,**
**«Ёшлар» телерадиоканали ЁАЖ «Давр» ахборот дастурлари бош муҳарририяти мухбири,**
**«Йилнинг энг фаол журналисти — 2011» танлови ғолиби.**

# Вояга етмаганлар тарбияси — масъулиятли вазифа

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мажлисда таъкидланганидек, мамлакатимизда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, никоҳланувчи ёшларнинг тиббий кўригини ташкил қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёш оилалар турмуши бузилишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борадаги ишлар, айниқса, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси доирасида янада жадаллашди.

Жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланадиган оила институтини ривожлантириш ҳамда болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила кодекси, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонунлари мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Йиғилишда Тошкент ва Навоий вилоятларида қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, ёшларни, айниқса, қизларни умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан тўлиқ қамраб олиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида мақсадли дастурлар қабул қилиниб, амалга ошириб келинганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, айрим ҳудудларда никоҳдан олдинги тиббий кўрик жараёнида аниқланган касалликларни ўз вақтида даволаш, ёшлар ўртасида эрта никоҳларнинг олдини олиш, оилавий зиддиятларни ҳал қилишга етарли эътибор қаратилмаганлиги, бу борада маҳаллий ҳокимликлар, соғлиқни сақлаш идоралари, хотин-қизлар қўмиталари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик етарли бўлмаганлиги танқид остига олинди.

Шунингдек, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилалар ва уларда тарбияланаётган болалар билан тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш, уларни таълимга тўлиқ жалб қилиш, бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган тадбирларни кучайтириш ва бу борада мутасадди давлат идоралари ҳамда жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этиб ўтилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари, комиссия аъзоси Г. Маъруфованинг ҳисоботи эшитилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун мутасадди идоралар ва жойларга юборилди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Боситхонова иштирок этди.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия.**

# Коллеждан — бизнесга

*Гулистон давлат университетида касб-ҳунар коллежларининг тадбиркор бўлишни истаган битирувчиларига тижорат банкларининг имтиёзли кредитини олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни топшириш маросими бўлиб ўтди.*

### Бандлик

Тадбирда 248 та лойиҳа муаллифларига ана шундай ҳужжатлар берилди.

— "Қишлоқ қурилиш банк"нинг 1,8 миллион сўмлик имтиёзли кредитини олиш имкониятини қўлга киритдим, — дейди Гулистон шаҳар компьютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи битирувчиси Нуриддин Халилов. — Энди ушбу маблағ эвазига компьютер сервис хизматини йўлга қўймоқчиман.

Таъкидлаш лозимки, жорий йилда вилоят тижорат банклари томонидан битирувчилар лойиҳаларини молиялаштиришга бир миллиард 400 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилмоқда.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Қисқа сатрларда

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

● АНДИЖОН шаҳридаги Тахтакўприк маҳалласида истиқомат қилувчи косиб Обиджон Валиев "Edgar shoes" фирмасини ташкил этганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, бу ерда тайёрланаётган 15 хилдаги пойабзаллар аллақачон ўз харидорини топди. Яқинда бу ерда қуйма туфлилар ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди. Натижада ишчилар сони 12 тага етиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ошди.

**● САМАРҚАНД вилоятида асаларичиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида соҳага 439,5 миллион сўм маблағ йўналтирилиб, 33 та асаларичилик хўжалиги ташкил этилгани ҳам шундан далолатдир. Айни пайтда 60 дан зиёд киши меҳнат қилаётган мазкур хўжаликларда 1300 қути асалари парваришланиб, эл дастурхонига сифатли асал етказиб берилмоқда.**

● ПАХТАКОР шаҳрида "1000 та тўй" акцияси доирасида Зафаробод ва Пахтакор туманларида яшовчи кам таъминланган ҳамда боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларининг никоҳ ва суннат тўйлари ўтказилди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми", "Меҳр нури" жамғармалари, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ҳамда "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида уюштирилган ушбу тадбир доирасида вилоят бўйича 66 йигит-қизнинг никоҳ, 95 боланинг суннат тўйи бўлиб ўтгани, айниқса, эътирофга молик.

**● ЧУСТлик хусусий тадбиркор Раҳимжон Убайдуллаев 70 хилдаги рўзғорбоп ҳамда совға пичоқлари тайёрлаб, ички ва ташқи бозорга етказиб бермоқда. Яқинда у хорижга 5 минг АҚШ долларилик ҳунармандчилик маҳсулотини экспорт қилди. Унинг йил бошидан буён кўрган фойдаси 40 миллион сўмдан ошиб кетди. Эндиликда тадбиркор даромади ҳисобидан фаолиятини янада кенгайтириш ниятида.**

● БУХОРО вилояти "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси томонидан "Энг моҳир матбуот тарқатувчи" кўрик-танлови ўтказилди. Якунда вилоят марказидаги 1-сон газета дўкони сотувчиси Муқаддас Ҳамроева "Энг кўп ижтимоий-сиёсий нашрларни сотиш" номинациясида ғолиб бўлди. Бошқа йўналишлар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Замонавий қурилишбоп маҳсулот

## маҳаллий хом ашёдан тайёрлангани истеъмолчиларга манзур бўлмоқда

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари қурилиш материалларига бўлган талабни ҳам тобора кучайтирмоқда. Шу боис ушбу соҳага ихтисослаштирилган кўплаб янги ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилиб, мавжудлари модернизация қилинаётир.*

### Интилиш

Ғузор туманидаги "Шўртаннефтгаз" унитар шўъба корхонасига қарашли норуда конларни қазиб олиш ва уни қайта ишлаш корхонаси — ана шундай жамоалардан бири. Италиядан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган мазкур корхонада мармар қайта ишланиб, ундан қурилишбоп маҳсулот тайёрланади. Яъни бу ерда мармар тошни кесишдан тортиб, турли шаклга солиш, йўниш, силлиқлаш ва сайқал беришгача бўлган барча жараённи тўлиқ бажариш мумкин.

Асосий хом ашё — мармар эса Навоий вилоятидаги "Ғозғон", Самарқанд вилоятидаги "Зарбанд", Қашқадарё вилоятидаги "Тошқудуқ" ҳамда "Қўрғонтош" конларидан келтирилаётгани ишнинг узлуксизлигини таъминлаяпти.

— Бунёд этилаётган замонавий иншоотларнинг ташқи ва ички кўринишига безак беришда мармарнинг ўзига хос ўрни бор, — дейди корхонанинг цех бошлиғи Ҳусан Ҳақназаров. — Шуни ҳисобга олиб, ишни икки сменада ташкил этганмиз. 24 нафар ишчи-мутахассис меҳнат қилаётган жамоамизда бугунги кунга қадар 7 минг квадрат метр мармар тайёрланиб, "Шўртаннефтгаз"нинг қурилиш объектлари ҳамда Қарши шаҳрида барпо қилинаётган уй-жойлар бунёдкорларига етказиб берилди.

Бундан ташқари, корхонамизда шу кунларда безакли мармар ишлаб чиқарувчи янги технологик линия ўрнатилмоқда. Бу келгусида иморатларни замонавий усулда пардозлашда жуда қўл келадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини яратади.

Шу ўринда вилоятда табиий бойликларни аниқлаш ва уларни ўзлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам ўз самарасини бераётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Айтайлик, сўнгги йилларда Деҳқонобод, Яккабоғ, Чироқчи, Китоб туманларида қимматли марганец рудаси, алюминий, сурма, симоб, тошкўмир, ёнувчи сланец, калий, глауконит ва мармарнинг кўплаб захиралари топилди. Улардан локбўёқ, томёпқич ва керамик плиталар ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилмоқда. Буларнинг бари нафақат корхоналар фаолиятини кенгайтиришга, балки мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

**М. АҲАДОВ.**



**СУРАТДА:** корхона фаолиятидан лавҳа.

**Ш. ШАРАПОВ олган сурат.**

## «RESPUBLIKA TELERADIOMARKAZI»
### ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

**«Sony» профессионал телевизион асбоб-ускунаси учун эҳтиёт қисмлар(захира қисмлар)ни харид қилиш бўйича**
**ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Тендер тури** — очиқ.
Тендер савдоларида хорижий компаниялар ёки Ўзбекистон Республикаси резидентлари — эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар иштирок этишлари мумкин.

**Тендер предмети** — «Sony» профессионал телевизион асбоб-ускунаси учун эҳтиёт қисмлар(захира қисмлар)ни харид қилиш.

**Буюртмачи** — «Respublika teleradiomarkazi» давлат унитар корхонаси.
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 69-уй.
Телефонлар: (+998 71) 214-99-48, 214-17-00, 214-17-03. Факс: (+99871) 214-17-00.
E-mail: info@rtrm.uz

**Ишчи орган** — «O'zAloqaKonsalting» масъулияти чекланган жамияти.
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100093, Тошкент шаҳри, Юнусобод мавзеси, 5-даҳа, 7-уй, 1-хонадон.
Тел./факс: (+998 71) 221-88-94.
E-mail: info@consalting.uz n.alieva@consalting.uz
Маълумотлар учун ва тендер ҳужжатлари пакетини сотиб олиш бўйича тендер иштирокчилари ишчи органга ҳар куни Тошкент вақти билан соат 10.00 дан 17. 00 гача (шанба ва якшанбадан ташқари) тендер таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар мурожаат этишлари мумкин.

**Тендер ҳужжатларининг нархи хорижий иштирокчилар учун** — 300 АҚШ долларида, мамлакатимиз иштирокчилари учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов пайтидаги курси бўйича миллий валюта (сўм)да. Тендер ҳужжатларини сотиб олиш учун учинчи шахслар томонидан тўловни амалга ошириш тақиқланади. Юқорида тендер ҳужжати учун кўрсатилган нарх ишчи органга тўланади ва қайтариб берилмайди.

**Молиялаштириш** — «Respublika teleradiomarkazi» давлат унитар корхонасининг хўжалик ҳисоб маблағлари ҳисобидан.

**Харидларнинг максимал нархи** — 730 000,0 АҚШ долларини ташкил этади.

**Закалат миқдори** тендер таклифларини топширишда харид ҳисоби қийматининг максимал 1 фоизини ташкил этади.

**Етказиб бериш шартлари:**
а) маҳаллий етказиб берувчилар — «Respublika teleradiomarkazi» давлат унитар корхонаси манзилига;
б) хорижий етказиб берувчилар — DAP Аэропорт омбори Тошкент шаҳри (INCOTERMS-2010).

**Товарларни етказиб бериш ва тайёрлаш муддати** — 90 банк куни.
а) маҳаллий етказиб берувчилар учун — олдиндаги тўловлар келиб тушганидан сўнг;
б) хорижий етказиб берувчилар учун — аккредитив очилганидан ва олдиндаги тўловлар келиб тушганидан сўнг.

**Тендер таклифлари ишчи орган томонидан 2012 йил 30 июль куни Тошкент вақти билан соат 17.00 гача «O'zAloqaKonsalting» масъулияти чекланган жамияти жойлашган қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100093, Тошкент шаҳри, Юнусобод мавзеси, 5-даҳа, 7-уй, 1-хонадон.**

1077R/781


## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 16 ИЮНДАН 22 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

*(Давоми. Бошланиши газетанинг 28 июнь сонида).*

6. «Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан ёш оилалар учун уй-жой қурилишини ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 9 июндаги 17/3-сонли қарори.*

**2012 йил 21 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1727-1 (2012 йил 1 июлдан кучга киради).**

7. «Аҳоли пунктларида ёввойи ҳайвонларни сақлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлигининг 2012 йил 18 майдаги 5, 18-сонли қарори.*

**2012 йил 21 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2373 (2012 йил 1 июлдан кучга киради).**

8. «Дезинфекция станциялари, дезинфекция бўлимлари, профилактик дезинфекция бўлинмалари, санитария-эпидемиология станциялари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2012 йил 25 майдаги 26-Б-сонли буйруғи.*

**2012 йил 21 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2374 (2012 йил 1 июлдан кучга киради).**

